КУТУБХОНАСИ

2006 ЙИЛ, 30 МАЙ, СЕШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 102 (10.659)

Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

●**БУГУН** Учтепа туманидаги «Жарбулоқ» маҳалласига йиғилган маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари, фаоллар маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчиларини сайлашди.

●**АЙНИ** кунларда 1 июнь—Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Бектемир туманидаги болалар ўртасида туман хотин-қизлар қўмитаси томонидан уюштирилган спорт мусобақалари ўтказилмоқда. БУГУН Бектемир туманидаги 582,570,575,579-мактабгача тарбия муассасаларида ўтказилган спорт мусобақалари «Ким эпчилу, ким чаққон?» деб номланди.

●**БУГУН** Миробод туманидаги 195- мактабгача тарбия муассасасида тарбияланувчилар иштирокида «Ҳар бир фарзандга меҳр – шафқат» мавзуида ўтказилган тадбир туман хотин-қизлар қўмитаси ва Тошкент Давлат авиация институти ҳамкорликларида уюштирилди.

●**БУГУН** Мирзо Улуғбек туманидаги 105-махсус интернат тарбияланувчиларига Камолидин Беҳзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институти талабалари томонидан тайёрланган юмшоқ ўйинчоқлар эсдалик сифатида туҳфа этилди.

●**24-МЕҲРИБОНЛИК** уйида тарбияланувчилар, тарбиячилар ҳамда Тошкент Давлат шарқшунослик институти талабалари иштирокида «Биз болалар билан» лойиҳаси доирасида тадбир ўтказилди.

●**1 ИЮНЬ**—Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Тошкент шаҳар таянч маскани ҳомийлигида Бектемир, Шайхонтоҳур, Ҳамза, Яккасарой, Учтепа туманида яшовчи 200 нафар кам таъминланган оилалар фарзандлари Тошкент ҳайвонот боғига саёҳат қилишди.

●**БУГУН** Собир Раҳимов туманидаги «Истиқлол» спорт мажмуасида «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ташаббуси билан «Келажак футболи» шиори доирасида уюштирилган футбол мусобақаларида шаҳримиз туманлари жамоалари ўзаро беллашди.

●**СЕРГЕЛИ** туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан туманнинг фаол аёллари иштирокида уюштирилган тадбирда «Баркамол авлод» кўрик-танловининг республика миқёсида ўтказиладиган босқичига пухта тайёргарлик кўриш масаласи муҳокама қилинди.

●**БУГУН** Шайхонтоҳур туманидаги «Шайхонтоҳур» маҳалласида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига туҳфа сифатида бунёдкорлар томонидан бунёд этилган болалар майдончасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Туман ҳокимлиги томонидан кам таъминланган оилалар фарзандларига спорт жиҳозлари, кийим-кечаклар совға қилинди.

●**КЕЧА** Юнусобод туманидаги «Исломобод» маҳалласида маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчилари сайлови ўтказилди.

●**БУГУН** Яккасарой туман ҳокимлиги ташаббуси билан туманда истиқомат қилувчи кам таъминланган оилалар фарзандлари учун Тошкент Давлат циркида концерт дастури ташкил этилди.

Ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ «САМАРҚАНД ДАРБОЗА» МАҲАЛЛАСИДА ИШ БОШЛАГАН «МУРУВВАТ-ТЕКС» ТИКУВ-ТРИКОТАЖ ФАБРИКАСИ ҚИСҚА МУДДАТДА — 40 КУН ИЧИДА ҚУРИБ БИТКАЗИЛИБ, АЙНИ ПАЙТДА ЎЗ МАҲСУЛОТИНИ ИЧКИ ВА ТАШҚИ БОЗОРГА ЧИҚАРМОҚДА.







Мустақиллик мевалари

РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР — ЖАҲОН БОЗОРИГА

Энг замонавий бичиш, тикиш, дазмол босиш ва бошқа тўқимачилик ускуналари билан жиҳозланган ушбу корхонада 250 нафар хотин-қизлар, асосан ёшлар — кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларнинг аъзолари иш билан таъминланганлиги, улар танлов асосида сараланганлиги айниқса эътиборлидир.



Асосан 3 та цех фаолият кўрсатаётган ушбу корхонанинг энг катта — тикув бўлими, сифати юқори, дунёда тикувчилик корхоналарининг 70 фоизи самарали фойдаланаётган Япониянинг «JUKI» тикув машиналари билан жиҳозланган бўлиб, бу ҳар томонлама афзал дастгоҳ асосида бугунги кунда чеварлар турли моделдаги эркаклар, аёллар ва болалар трикотаж маҳсулотларини тайёрлашмоқда. Энг асосийси эса рақобатбардош маҳсулотлар ички бозордагидан бир неча баробар қимматига Австрия, Бельгия, Германия, Голландия ва бошқа давлатларга тўғридан тўғри шартнома асосида экспорт қилинади.

— 600 минг АҚШ доллари миқдоридаги ускуна ва дастгоҳлар билан жиҳозланган корхонамизда, — дейди фабрика раҳбари Ҳожимурод Раҳимов, — ишчи-хизматчилар учун нафақат меҳнат қилиш, сифатли кийим-кечаклар тайёрлаш учун, балки ишга келиб-кетиш, дам олиш, овқатланиш учун барча қулай шароитлар яратилган. Мақсадимиз бозор эҳтиёжини қондира оладиган, харидор дид ва талабига мос кийим-кечакларни «До-до» савдо белгиси билан ички бозорга етказиб бериш баробарида, хорижга ҳам экспорт қилиб юртимизга валюта тушумини кўпайтиришдир. Бунинг учун изланиш, маркетинг ишларини нафақат кун сайин, балки ҳар соатда ўрганиш зарурлигини ҳисобга олаяпмиз. Айниқса, Юртбошимизнинг корхонамизга ташрифи ҳар бир чевар билан суҳбати жамоамиз аҳлининг келгуси ишларида кўтаринкилик бағишлади, десам асло муболаға бўлмайди.

Ҳақиқатан ҳам бугунги илк изланишлардаёқ муваффақиятларга интилаётган тадбиркорлар илк маҳсулотларини голландиялик харидорларига тортиқ этишди. Шунингдек, сифатли кийим-кечаклар пойтахтимизнинг «Чилонзор», «Чорсу», Кадишев буюм бозорларида ҳамда корхонанинг 2 та фирма дўконида ҳам сотилмоқда.

Корхонанинг янги моделлар яратиш бўйича иш олиб бораётган тажриба-синов цехида бугунги кунда уста дизайнерлар томонидан 30 га яқин маҳсулот турлари яратилди. Изланишлар эса ички ҳамда жаҳон бозорини мукаммал ўрганиш асосида давом этмоқда. Асосийси эса маҳсулотлар маҳаллий ҳом ашёдан тикилади.

«Мурувват-текс»чилар ривожланиш ҳисобига эзгу ниятли ишларини давом эттиришни кўзлашмоқда. Насиб этса корхонанинг вилоятларимизда ҳам тикув фабрикаларини очиш режаланган. Уларнинг бу ташаббуслари изланиш ва интилиш ҳисобига кенг кулоч ёзиши, шубҳасиз.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: корхонада асосан қалби қайноқ тадбиркор ёшлар меҳнат қилишади.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

Фармон ва ижро

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАРБИЯГА ЭЪТИБОР

ТОШКЕНТДАГИ ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА «ДИНИЙ МАЪРИФАТ ВА ҚАДРИЯТЛАР — МАЪНАВИЯТИМИЗ АСОСИ» МАВЗУИДА АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ. ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ҲАМДА ШАҲАР ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ТАШАББУСИ БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН МАЗКУР ТАДБИРДА МАҲАЛЛАЛАР, ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАЛАРИ ФАОЛЛАРИ, ДИНИЙ МАЪРИФАТ ВА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА МАСЛАҲАТЧИЛАР, ҲУҚУҚ- ТАРТИБОТ ИДОРАЛАРИ, ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР ВАКИЛЛАРИ, ЎҚИТУВЧИЛАР, ШАҲАР ВА ТУМАН ИМОМ ХАТИБЛАРИ, ОТИНОЙИЛАР ИШТИРОК ЭТДИ.

Мамлакатимизда истиқлол йилларда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча жабҳаларда бўлгани каби, маънавий-маърифий соҳада ҳам улкан ижобий ўзгаришлар юз бераётгани таъкидланди. Эзгуликка ундовчи қадриятларимизнинг тикланиши, буюк аждодларимиз номи билан боғлиқ гўшаларнинг ободонлаштирилиши, фуқаролар ўз диний амалларини эминэркин адо этишлари учун барча шарт-шароит ва имкониятнинг яратилгани бунинг ёркин далилидир. Азалдан турли миллат ва диний конфессия вакиллари аҳиллиқда яшаб келаётган заминимизда бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик, осойишталик, барқарорлик, фаровонлик ва тараққиётнинг муҳим омили бўлиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан 2004 йил 25 май куни қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ юртимиздаги салкам ўн мингга яқин маҳаллада диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилди.Ушбу лавозимда бугун элда обрў қозонган, ташаббускор, фидойи аёллар иш олиб бормоқда. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ҳар бир оила, аёлнинг қалбига йўл топа билиш, ибратли миллий-диний анъаналар ва урф-одатларни сақлаб қолиш ва ривожлантиришда улар ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Бироқ жаҳонда кечаётган мураккаб ва таҳликали шароитда ота- боболаримиз учун азалдан эзгулик, тинчлик, меҳр ва мурувват тимсоли бўлиб келган муқаддас динимиздан ғаразли мақсадлар йўлида фойдаланишга уринаётган ёвуз кучлар ҳам йўқ эмас.

Анжуманда ана шундай турли зарарли оқимлар, бузғунчи ғоялар таъсиридан ёшлар, хотин-қизларни асраб-авайлаш, фарзандларимиз, опа- сингилларимизни ҳамиша ҳушёрлик ва огоҳликка чорлаш, Ватан тақдири, истиқболи учун масъулиятни ҳис этиб яшашга ундаш диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар зиммасига ҳам катта масъулият юклаши алоҳида қайд этилди. Маслаҳатчилар фаолияти атрофлича таҳлил этилиб, ютуқларни оммалаштириш, мавжуд камчиликларни бартараф этишда кенг жамоатчилик, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш зарурлигига эътибор қаратилди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси Тошкент Давлат юридик институти билан ҳамкорликда «Келишув процедуралари» мавзуида семинар-тренинг ўтказди. Унда Сенат аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Адлия вазирлиги вакиллари, олимлар, ўқув юрти ўқитувчи ва аспирантлари иштирок этди.**

● **Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида демократик ҳуқуқий давлат барпо этишда суд ҳокимиятининг ўрнига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Қуйи палатанинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги юристлар малакасини ошириш маркази тингловчилари қатнашди.**

● **Фарғона шаҳридаги Аҳмад ал-Фарғоний номидаги маданият ва истироҳат боғида мамлакатимиз Мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган «Улуғимсан, Ватаним» республика китоб байрами бўлиб ўтди. Фарғона вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан ўтказилган ушбу тадбирда мамлакатимизнинг етакчи нашриётларида чоп этилган турли мавзудаги энг сара асарлар намойиш этилди.**

● **Италиянинг Турин шаҳрида шахмат бўйича 37-Бутунжаҳон Олимпиадасида 6 ва 7-тур ўйинлари бўлиб ўтди. Ҳозирча еттинчи турдан сўнг шахматчиларимиз турнирда 19 очко жамғарган ҳолда тўртинчи ўринни эгаллаб туришибди.**

● **Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида Россия, Қозоғистон ва Тожикистон олий ўқув юртларининг аграр соҳа билан шуғулланувчи олимлари иштирокида «Аграр соҳада иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишлари» мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**

● **Бухоро вилояти пиллакорлари давлатга пилла сотиш бўйича шартнома мажбуриятини бажардилар. Қабул пунктларига 2,5 минг тоннадан зиёд қимматли хом ашё етказиб берилди. Бу ўтган йилдагидан 300 тонна кўп демакдир.**

● **Андижон Давлат университетида «Миллий ғоя — бизнинг ғоя» мавзуида ўтказилган анжуманда мамлакатимиз вилоятларидаги олий ҳамда ўрта махсус таълим ўқув юртлари жамоаларининг вакиллари иштирок этди. Сўзга чиққан олимлар ўз маърузаларида «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанини ўқитиш муаммолари,талаба-ёшларни ғоявий тарбиялашнинг долзарб масалалари хусусида тўхталдилар.**

● **Бўка тумани маданият саройида маҳом жамоалари ва катта ашула ижрочилари фестивалининг Тошкент вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг 21 та шаҳар ва туманларида фаолият юритаётган фольклор-этнографик жамоалар ва якка иштирокчилар қатнашди.**

ЖАҲОНДА

● **Кечадан бошлаб Россия Федерацияси Европа Кенгашига раислик қилишни ўз зиммасига олди. Бу жараён жорий йилнинг ноябрь ойига қадар давом этади.**

● **Индонезия мамлакати маъмурлари шанба куни Ява оролида рўй берган кучли зилзила етказган оқибатларни маълум қилдилар. Маълум бўлишича, кучли зилзила оқибатида 4350 киши ҳаётдан кўз юмган, 20 минг аҳоли турли даражадаги тан жароҳатларини олган, 200 минг киши бир зумда уй-жойсиз қолган. Ер қимирлашидан сўнг икки кун ўтган бўлса-да бу ерда аҳвол ҳамон оғир. Шу муносабат билан мамлакатда уч ойлик фавқулодда ҳолат эълон қилинди.**

● **АҚШ ва Буюк Британия раҳбарлари халқаро ҳамжамиятни Ироқнинг янги ҳукуматини қўллаб-қувватлашга чақиришди. Бироқ иккала давлат раҳбари ҳам коалиция кучларини Ироқдан чиқариш муддати борасида ҳеч нарса дегани йўқ.**

● **Германиянинг машҳур «Фольксваген» автомобиль концерни кеча Россия Федерациясининг Иқтисодий тараққиёт вазирлиги билан ўзаро ҳамкорлик битимини имзолади. Унга кўра Калуга областида ҳамкорликда йирик завод қурилиб, икки йилдан кейин ўзининг дастлабки маҳсулотларини чиқара бошлайди. Завод қуввати йилига 250 мингта енгил автомобиль чиқаришга мўлжалланган.**

● **АҚШда ноқонуний муҳожирликнинг олдини олишга эндиликда махсус хизмат вакиллари ва ҳарбий кучлар ҳам жалб этилади. Мазкур қарор 2007 йилги АҚШ хавфсизлигини таъминлашни назарда тутувчи мамлакатнинг чегара ва хавфли ҳудудларида хавфсизликни таъминлаш дастури таркибига киритилган.**

● **Жаҳоннинг уч карра энг яхши ўйинчиси деб топилган франциялик футболчи Зинедин Зидан Германияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатидан кейин фаолиятини Хитойда давом эттириш юзасидан таклиф олди. Айни дамда Хитой чемпионатининг «Чан чун Ягай» ва «Пекин Гуоан» клублари футбол юлдузининг ўз жамоалари таркибида тўп суришига умид боғлашмоқда.**

Маҳалланг—ота-онанг

ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИ ИШОНЧ БИЛДИРИШДИ

МАҲАЛЛАДОШЛАРНИНГ ОҒИР КУНИДА ҲАМ, ЕНГИЛ КУНИДА ҲАМ ҲАМДАРД, ҲАМФИКР БЎЛИШ ОСОН ИШ ЭМАС. БУНИНГ УЧУН ОҚСОҚОЛ МЕТИН ИРОДАЛИ, КЎНГИЛНИ ЗАБТ ЭТГАН ЕТАКЧИЛИК ИҚТИДОРИ ВА СЎЗ БИЛАН ИФОДАЛАБ БЎЛМАЙДИГАН БИР ҚАНЧА ФАЗИЛАТЛАР СОҲИБИ БЎЛИШИ КЕРАК.

Ҳозирда Республикамизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби пойтахтимизда ҳам ана шундай ҳормас, толмас маҳалла етакчиларини, маслаҳатчиларини сайлаш жараёни уюшқоқлик билан давом этмоқда.

Чилонзор туманидаги «Оқтепа» фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган ҳисобот-сайловда иштирок этган 75 нафар халқ вакили ана шундай заҳматкаш етакчиларга овоз беришди.

Маҳаллада амалга оширилиши зарур бўлган юмушлар аввалдан аниқ мақсадларга қаратилган режалар асосида ўтказилиб келинади. Ушбу ҳудудда 3.000га яқин аҳоли 25 та кўп қаватли уйларда истиқомат қилади.

Мажлис аввалида шу вақтга қадар маҳалла фуқаролар йиғини раиси лавозимида фаолият юритиб келган Абдувоҳид Булановнинг ҳисоботи йиғилганлар томонидан мамнуният билан қарши олинди. Шундан сўнг тафтиш комиссияси раиси Раҳим Мирзаев маҳаллада амалга оширилган юмушларда сарфланган харажатлар аниқ мақсадларга йўналтирилганлиги ҳусусида ахборот берди.

Муҳокама учун сўзга чиққан маҳалла фаоллари шу вақтга қадар маҳаллада амалга оширилган ишлардан қониқиш ҳосил қилинганлигини, янгидан сайланажак етакчилар гуруҳи ҳам бу борадаги ишларни изчиллик билан амалга ошириши зарурлигини таъкидладилар. Сўнг, маҳалла фуқаролар йиғини раислигига номзод Абдувоҳид Буланов, Валижон Алимов, Раҳимжон Мирзаевлар йиғилганларни ўзларининг сайловолди дастурлари билан таништирдилар. Номзодлар овозга қўйилди.

Халқ ишончига мувофиқ шу вақтга қадар маҳаллага етакчилик қилиб келган Абдувоҳид Буланов келгуси муддатга ҳам оқсоқолликкa сайланди. Маҳалла оқсоқоли маслаҳатчилари ҳам кўпчиликнинг фикр-мулоҳазалари асосида сайланди.

Биз уларга эл ишончини оқлаш йўлидаги заҳматли меҳнатларида омад тилиб қоламиз.

Ҳумоюн АЛИЕВ

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЛАРИ КИЕВ АВТОСАЛОНИДА

УКРАИНА ПОЙТАХТИДА ЎТАЁТГАН 14-КИЕВ ХАЛҚАРО АВТОСАЛОНИ — SIA 2006 ПАВИЛЬОНЛАРИДА ДУНЁНИНГ 30 МАМЛАКАТИДАН ҚАРИЙБ 900 ТА КОМПАНИЯ ЎЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТМОҚДА. ЯНГИ РУСУМДАГИ КЎПЛАБ АВТОМОБИЛЛАР УЧУН ЎЗИГА ХОС СТАРТ МАЙДОНЧАСИНИ ЎТОВЧИ БУ КЎРИКДАН СЎНГ УНДА НАМОЙИШ ЭТИЛГАН АКСАРИЯТ АВТОМОБИЛЛАР УКРАИНА ЙЎЛЛАРИГА ЧИҚАДИ.

«Украина Экспомаркази»да машҳур Aston Martin DB9 Coupe, Citroen C6, Dadi Shuttle, Ferrari 612 Scaglietti, Hyundai Accent, Nissan 350 Z автомобиллари билан бир қаторда «ЎзДЭуАвто» корхонасида ишлаб чиқариладиган «Нексия» ва «Матиз»лар ҳам намойиш этилмоқда. Ўзбекистон маҳсулотлари кўргазма марказининг энг йирик павильонида жойлашган бўлиб, улар украиналик мутахассис ва автомобилсозлар томонидан энг катта қизиқиш билдирилган экспозициялардан бири бўлди.

Юртимиз автомобилсозлари мазкур нуфузли кўрикда иккинчи маротаба иштирок этишаётир. 2003 йили бу ерда «Матиз»лар билан бир қаторда Самарқанд автозаводининг «ЎзОтайўл» автобуслари ва улар шассиси негизида бунёд этилган «Нон ташувчи» машинаси, ўт ўчириш машинаси ҳамда эвакуатор намойиш этилган эди.

Айтиш жоизки, Украинада «Нексия» ҳамда «Матиз»ларга бўлган талаб катта ва у мунтазам равишда ошиб бормоқда. Жорий йил Украина бозорида сотилган ўзбек автомобилларининг сотилиши ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан беш баробарга ошган. Автомобилларимиз Украинанинг Киев, Львов, Донецк, Днепропетровск сингари йирик шаҳарларида айниқса харидоргир. Уларга сервис хизмати кўрсатиш ва таъмирлаш йўлга қўйилган, дистрибьютерлик тармоғини кенгайтириш ишлари давом эттирилмоқда.



Ҳозирги пайтда Украина автомобиль бозори жуда чаққон. Ўтган йили мамлакатда 265 мингта янги енгил автомобиль сотилган, бу 2004 йилгига нисбатан 25 фоизга кўпдир. Тахминларга кўра, сотилган автомобиллар сони жорий йилда 280 минг донадан ошиб кетади. Ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон автомобиллари Украина бозорида ҳам ўзининг муносиб ўрнига эга бўлади.

«Жаҳон» АА

Ёз—2006

ПОДМОСКОВЬЕ ОРОМГОҲИГА ЙЎЛЛАНМА

ЎҚУВЧИ ЁШЛАРНИНГ БУ ЙИЛГИ ЁЗГИ ТАЪТИЛЛАРИНИ МАРОҚЛИ ЎТКАЗИШ ТАДБИРЛАРИ КЎРИЛМОҚДА. ШУНИ ҲАМ АЙТИБ ЎТИШ ЖОИЗКИ, РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИДАН БИР НЕЧТАСИ РОССИЯДАГИ СЎЛИМ ОРОМГОҲЛАРДА ДАМ ОЛАДИГАН БЎЛДИЛАР.

Гап шундаки, Россия Федерациясининг қўллаб-қувватлаши ҳамда республика рус маданияти маркази ва тарих ва ҳуқуқ фанлари ўқитувчилари ассоциацияси томонидан «Сен Россия тарихини биласанми?» мавзусида танлов ўтказилди. Унда тошкентлик толиби илмлар ҳам ғолиб бўлдилар. Уларга Россиянинг Подмосковье қишлоғидаги болалар оромгоҳида дам олиш учун йўлланма берилди.

Ғолиблар ёшлик гаштини суриб, янги куч-ғайрат тўплайдилар.

Анвар ВАЛИЕВ

Умуммиллий дастур — амалда

МАЛАКА ОШИРИШНИНГ ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ АБДУЛЛА АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ ИНСТИТУТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА 2004-2009 ЙИЛЛАРДА МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ УМУММИЛЛИЙ ДАСТУРИ АСОСИДА МАЛАКА ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ СИФАТИ ҲАМДА САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИНИ ЎТКАЗДИ.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган ва изчиллик билан амалга оширилаётган мазкур давлат дастурида ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш баробарида уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилгани таъкидланди. Бугунги шиддат билан ўзгараётган, ахборотлар оқими тобора тезлашиб бораётган даврда педагоглардан ўз билим ва кўникмаларини, касбий маҳоратини муттасил ошириб бориш, фикр доираси, дунёқарашини тобора кенгайтириш талаб этилмоқда.

Мамлакатимиздаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари ўз фаолиятини айнан шу асосда ташкил этаётир. Бугунги кунда малака ошириш курслари, семинар- машғулотлар мазмун ва моҳияти аввалгиларидан тубдан фарқ қилади. Улар нафақат маъруза тарзида, балки илғор педагогик технологиялар, янгича интерфаол ўқитиш услубларини қўллаган ҳолда амалий машғулот, семинар, давра суҳбатлари, ошкора ва жонли мулоқотлар тарзида ўтказилаётир. Машғулотларда давлатимиз раҳбарининг асарлари, маъруза ва нутқлари, шунингдек, ижтимоий-сиёсий масалаларга бағишланган адабиётларни мукаммал ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айни пайтда семинар-машғулотлар доирасида ёш авлод онгида дунёда ва ён-атрофимизда содир бўлаётган воқеаларга нисбатан онгли муносабатни шакллантириш, уларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга йўналтирилган тадбирлар ташкил этилаётир. Тингловчилар ўртасида спорт мусобақалари, тиббий маданиятни юксалтириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган анжуманлар, севимли шоир ва ёзувчилар, олимлар билан учрашувлар ҳам мунтазам ташкил этилиши машғулотларнинг янада сермазмун ва жонли ўтишига хизмат қилмоқда.

Малака ошириш ва қайта тайёрлаш машғулотлари жойларда қандай амалий самара бераётганини ўрганиш мақсадида туман халқ таълими бўлимлари билан ҳамкорликда таҳлил ва мониторинг олиб борилмоқда.

Шуни ҳам айтиш жоизки, олис туманлардаги педагогларнинг билими, замонавий таълим технологияларидан бохабарлигини ошириш мақсадида чекка ҳудудлардаги мактабларда малака ошириш ресурс марказлари фаолият кўрсатаётгани яхши самара бермоқда.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири

Иқтисодиёт

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОРТАДИ

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР, ДЕЙИШАДИ. БУНИ ДИЛДАН ҲИС ЭТГАН «ШАРҚ ТОЛАСИ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ТАДБИРКОРЛАРИ ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИГА МУҲИМ ХИССА ҚЎШИШ НИЯТИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЕНГАЙТИРИШНИ РЕЖАЛАШМОҚДА.

Улар янги тикувчилик корхонасини ташкил этишни кўзда тутишган. Ҳозирги пайтда эса корхонада маҳаллий хом ашё—пахтадан 3 хил турдаги момиқ маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, уларнинг маълум қисми Россия, Хитой, Туркия давлатларидаги харидорларга етказиб берилмоқда. Ўтган йилда 600 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот тайёрланиб, унинг 400 минг АҚШ долларлиги экспортга чиқарилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични бирмунча оширишга эришилади. Бу борада тадбиркорлар цехларга Туркия, Корея ва Хитой давлатларидан келтириб ўрнатган дастгоҳ ва ускуналар қувватидан унумли фойдаланишмоқда.

—Ҳозирда 50 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган корхонамизда сифатга алоҳида эътибор қаратилади, ходимларимизга қулай меҳнат ва яхши дам олиш шароитлари яратилган,—дейди корхона менежери Искандар Нишонов.—Албатта, келгусида янги фабрика очиш, маҳаллий хом ашёдан рақобатбардош маҳсулот тайёрлаб экспорт ҳажмини оширишни режалаган эканмиз, бу иқтитсодиётимиз ривожида муҳим ҳисса бўлишини кўзда тутганмиз.

2000 ТУРДАГИ МАҲСУЛОТ

ПОЙТАХТИМИЗДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН «ЎЗКАБЕЛЬ» КОРХОНАСИДА БУГУНГИ КУНГА КЕЛИБ 2000 ТУРДАН ЗИЁД СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ КАБЕЛЬ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАЙЁРЛАНМОҚДА.

Ушбу корхона Марказий Осиё ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ичида йирик кабель ишлаб чиқарувчилардан саналиб, Халқаро электр-кабель уюшмаси аъзоси ҳисобланади. Жамоа тадбиркоралари томонидан ишлаб чиқарилаётган кенг турдаги маҳсулотлар, геология, алоқа, темир йўл транспорти, автомобиль саноати, тоғ-кон металлургия, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилмоқда.

Бу ерда тайёрланаётган кабель маҳсулотларининг кўплари Россия ва бошқа давлатлар сертификатига эга бўлиб, бир қисми хорижга экспорт қилинади. Улар Қирғизистон, Қозоғистон, Украина, Россия ҳамда бошқа қатор давлатлардаги харидорларга етказиб берилмоқда.

Эътиборлиси шундаки, корхонанинг қўшни давлатларда савдо уйлари очилган бўлиб, бу ташқи бозорни ўрганишда, хорижий харидорларни жалб этишда муҳим ўрин тутади. Бунинг самараси эса корхонада ишлаб чиқарилаётган «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиқли рақобатбардош маҳсулотларнинг хорижда ҳам харидоргирлиги ортишида яққол кўринмоқда.

Шарофат БАҲРОМОВА

Фестивалллар

БОЛАЛИКДАН БОШЛАНАР ҲАЁТ

ҲАЁТИМИЗГА МАЗМУН ВА МАЪНО БАҒИШЛОВЧИ, КАЙФИЯТИМИЗНИ ДОИМО КЎТАРУВЧИ БОЛАЖОНЛАР НУРАФШОН КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ ПОРЛОҚ ЮЛДУЗЛАРИДИР. УЛАРГА ЕТАРЛИЧА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БЕРИШ, ОНГ ВА ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, МЕҲНАТГА ЎРГАТИШ, ҲУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШ, ИҚТИДОРЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БУГУНГИ КУННИНГ АСОСИЙ ВА ДОЛЗАРБ ВАЗИФАСИГА КИРАДИ.

Мактабгача таълим муассасаларида турли хил тадбирларнинг ўтказилиши ҳам бу борада қилинаётган ишларнинг дебочасидир.

Яқинда Шайхонтоҳур туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан Ўзбек Миллий академик драма театрида Шайхонтоҳур туманидаги мактабгача таълим муассасалари истеъдодли болаларининг «Истиқлол юлдузчалари» деб номланган фестивали бўлиб ўтди. Тадбирда шаҳримиздаги мактабгача таълим муассасаларининг услубчилари,мусиқа раҳбарлари ва ота-оналар иштирок этишди. Фестиваль иштирокчилари орасида Шайхонтоҳур туманидаги 71, 76, 343,588,468 ва 448-мактабгача таълим муассасаларининг тарбияланувчилари ўзига хос концерт дастурлари билан қатнашиб, маҳоратларини намоён этдилар. Жажжи болажонлар она Ватанни мадҳ этувчи қувноқ қўшиқларни айниқса юракдан жўшиб куйладилар. Тадбир сўнгида 343 ҳамда 588-мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ғолиб деб топилиб, фестивалнинг шаҳар босқичига йўлланма олдилар.

—Бундай тадбирларни ўтказишни анъанага айлантирганмиз,— дейди Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг мактабгача таълим бўлими бошлиғи Васила Йўлдошева.—Чунки бу санъатга иштиёқи баланд, иқтидорли болаларни танлаб олиш имкониятини беради. Эртанги кунимизда, юртимизнинг юксалишида, жамиятимиз тараққиётида уларнинг ўрни ва роли алоҳидадир. Зеро бугунги авлод келажагимизнинг ёркин давомчилари ҳисобланади.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.





ТАСАВВУРЛАРИ ЯНАДА КЕНГАЙДИ

«КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ ҲАМЗА ТУМАН БЎЛИМИ КЕНГАШИ ТОМОНИДАН 30-МЕҲРИБОНЛИК УЙИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИ УЧУН «ҲАЙВОНОТ ОЛАМИГА САЁҲАТ» МАВЗУСИДА ТАДБИР ЎТКАЗИЛДИ.

Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад «2006 — Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурини бажариш, тумандаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини ижтимоий-маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишдир.

Тадбир давомида болажонлар жониворлар ҳаёти билан яқиндан танишдилар, ёввойи, йиртқич ҳайвонлар ҳақидаги тасаввурлари янада кенгайди. Уларнинг экология, ёввойи табиат ва ҳайвонот олами ҳақидаги тушунчалари ўзгарди. Хайрли мақсадлар йўлида ташкил қилинган бундай тадбирлардан сўнг болалар нафақат ўзларини қуршаб турган оламни, балки табиат оламини ҳам асрашга ўз ҳиссаларини қўшишга интиладилар деб ишонамиз.

Тадбирда 130 нафар Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари қатнашди. Қизиқарли саёҳат иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Гўзал МИРХОДЖАЕВА, Азиза МУҲАМЕДОВА

КЕЛАЖАГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ БЎЛГАН ЁШЛАРИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШ, ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРГА БЎЛГАН МУНОСАБАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАРГА АСОСЛАНИБ ҚУРИЛАЁТГАН ДАВЛАТЧИЛИКНИНГ УСТУВОР МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ БОРАСИДА КЎНИКМАЛАР ҲОСИЛ ҚИЛИШ МУҲИМ АҲАМИЯТГА МОЛИК ВАЗИФАЛАРДИР.

Негаки ёшлари мулоҳаза юритишга мойил, келажакка собит қадамлар билан дадил одимлашга рағбат сезадиган мамлакатнинг истиқлоли ҳамда истиқболи мунаввар бўлишини ҳаётий жараёнларнинг ўзи исботлаб келган.

Шу маънода Шайхонтоҳур туманидаги «Исломобод» маҳалла гузарида ўтказилган «Биз ўз куч ва имкониятларимизга ишонамиз!» мавзуидаги давра суҳбатида ёшларнинг руҳий камолотини ўстиришда, диний қадриятларимизга бўлган муносабатини изга солишда оила, маҳалла, давлат ташкилотлари, илмий жамоатчиликнинг ўрни, олдига қўйган вазифаларга алоҳида эътибор қаратилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Анжуманлар

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМДОНЛИКНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан ташкил этилган йиғилишда тумандаги «Самарқанд дарвоза», «Жарариқ», «Шофайз», «Обиназир», Маннон Уйғур сингари маҳаллаларнинг оқсоқоллари, хотин-қизлар комиссиялари раислари, диний маърифат ва маънавия-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар билан бир қаторда Учтепа тумани фаоллари, Шайхонтоҳур туманидаги 40,186-мактабларнинг юқори синф ўқувчилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг вице-президенти, академик Саидаҳрор Ғуломов, Ўзбекистон Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институти директори ўринбосари, фалсафа фанлари доктори Зуҳра Қодирова, катта илмий ходим, тарих фанлари доктори Дилором Пўлатова, Тошкент Ислом университети кафедра мудири, тарих фанлари доктори Саидакбар Аъзамхўжаевлар ислом маънавиятининг маърифий асослари, диний бағрикенглик ва унинг ёшлар онгига таъсири каби мавзулардаги фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

— Бугунги тадбиримизда туманимиздаги 49 та маҳалланинг фаоллари иштирок этишмоқда, — дейди «Сарҳумдон» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Маҳмуд Рашидов. — Мақсадимиз ёшларни турли диний оқимлардан ҳимоя қилиш, уларнинг онгини миллий истиқлол ғоялари билан бахраманд этишдан иборатдир.

— Шубҳасиз, ёшлар эртанги кунимизнинг давомчиларидир, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги «Янгиобод» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича оқсоқоли маслаҳатчиси Манзура Валиева. — Бугунги ёшларимиз миллий истиқлолимизнинг мустаҳкам пойдевори, бўлғуси қурувчиларидир. Шу боис у боғча бўладими, мактаб бўладими диний-ахлоқий тарбия масалаларини имкон қадар чуқурроқ сингдиришга ҳаракат қиляпмиз. Бу борада ишлаб чиқилган тадбирлар режасида ҳам алоҳида эътибор ёшларимизнинг ҳуқуқий билимдонлигини оширишга қаратилган.

Хидирали ПАНЖИЕВ

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

ЮРТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА МУНОСИБ ҲИССАСИНИ ҚЎШИШГА ИНТИЛАЁТГАН КОРХОНАЛАР САФИ ЙИЛДАН-ЙИЛГА КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА. УЛАР НАФАҚАТ СИФАТЛИ, РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, БАЛКИ КОРХОНАЛАРИДА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТАЁТГАНЛАРИ БИЛАН ҲАМ ЭЪТИБОРГА ЛОЙИҚ.

«Тошкент қувурлар заводи» Ўзбекистон-Россия-АҚШ қўшма корхонаси маҳсулотлари — водопровод қувурлари ҳамда махсус буюртма асосида тайёрланадиган турли диаметрдаги қувурлар сифати, ишлатишда қулайлиги ҳамда узоқ вақт хизмат қилиши билан ажралиб туради.

Мазкур қўшма корхона тадбиркорлари бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда, ички бозоримизни чуқур ўрганиш асосида янги цех ташкил этишди, бу ерда 50 нафар хотин-қизлар учун янги иш жойлари яратилди. Замонавий хорижий, юксак самарали дастгоҳ ва ускуналар шарофати билан янги маҳсулот—резина қопламли қўлқоплар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. Харидоргир ҳисобланган махсус қўлқоплардан мазкур дастгоҳлар тўла қувватда ишлатилганда йилига 200-250 минг жуфт тайёрлаш мумкин.

Замон билан ҳамнафас қадам ташлаётган корхона аҳли эзгу мақсадларни амалга ошириш йўлида ғайрат билан меҳнат қилмоқда, янги режалар тузмоқда. Улар айни кунларда иш олиб борилаётган лойиҳалар асосида жорий йил охиригача кўплаб фуқароларга иш ўринлари яратиш ҳисобига янги маҳсулотлар тайёрлашни мақсад қилиб қўйганлар.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Хатлар — ҳаёт ойнаси

Эртага фасллар келинчаги-баҳорнинг сўнгги ойи — май ҳам якунланиб юртимизга ёз фасли кириб келади.Тўкинчилик ва барака фасли ёзни ҳар биримиз орзиқиб кутганимиз рост. Қувончлиси, ёз ойларида шаҳримиз хиёбонларию истироҳат боғлари, дам олиш масканлари ҳамшаҳарларимиз билан гавжум бўлади. Айниқса, келажагимиз ворислари—болажонларимиз ёзги таътилда мириқиб ҳордиқ чиқаришади. Биз таҳририят ходимлари ҳам ёзнинг фарахбахш кунлари мазмунли ўтиши учун қўлимиздан келганича ҳаракат қиламиз, сиз азизларни қизиқтираётган, бефарқ қолдирмаётган мавзуларга бағишланган мақолалар чоп этамиз. Муҳими, сизлардан келаётган мактублар асосида ҳар сафаргидек «Хатлар—ҳаёт ойнаси» саҳифасини эълон қилиб борамиз. Шуни қувонч билан таъкидлашни истардикки, газетхонлардан келаётган мактублар, телефон қўнғироқлари, таҳририят биносидаги юзма-юз мулоқотлар туфайли саҳифамиз материалларининг мавзуси кенгайиб бормоқда. Газетхонлар ўзларини қизиқтирган мавзу доирасида таҳририятимизга таҳлилий, танқидий йўналишдаги мактубларни йўллаётганликлари икки томонлама ҳамкорлигимиз самара бераётганлиги натижасидир. Шу боис ҳам Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. «Тошкент оқшоми» газетаси таҳририятига доимо хат йўлланг, 133-08-74 телефонига сим қоқинг, деб илтимос қиламиз. Хатларингизни кутамиз, азиз газетхонлар.

Сиз суратларда кўриб турган болажонларда мусиқа илмига ҳавас, иштиёқ баланд. Ажабмас, улардан келгусида мамлакатимиз довруғини жаҳонга таратувчи ноёб истеъдодли, салоҳиятли санъаткорлар етишиб чиқса...





Хатжилдларни қайчилаганда

ТИЛИМИЗ БЕҚАДР БЎЛМАСИН

Ҳурматли таҳририят ходимлари! Сизларга ушбу мактубни ёзишни ҳам, ёзмасликни ҳам ўйладим. Негаки, кўпчилик таниш-билишларимнинг нафсониятига тегиб қўяманми, деган фикрда бўлдим.

Гап шундаки, кейинги пайтларда айрим ОАВ орқали миллий қадрият ҳисобланмиш она тилимизнинг соф қадр-қимматини ерга урадиган ҳолатлар юз бермоқдаки, назаримда, бу масалалар хусусида атрофлича мулоҳаза юритиш пайти келди.

Фикрларимизни хусусий FM радиоканалларидан бошлай қолайлик. Мен ҳар куни бўш вақтим кўпроқ бўлгани учун уларни тинглаб бораман. Эътиборлиси, бу каналларнинг аксар бошловчилари соф адабий тил қолиб, шева орқали мулоқотга ўтади. Баъзан эса керакнокераксўзлар аралашиб кетади. Дейлик, бошловчининг «Фалон соатдан сўнг фалон эстрада хонандаси ижросидаги қўшиқ жаранг сочади» (?) тарзидаги эга-кесимининг тайини йўқ «гап»идан нимани англаш мумкин?! Бир қарашда ҳамма нарса жойидадай кўринади. Бироқ, англашилаётган фикрнинг аниқ мақсадга қаратилмагани кишини ажаблантиради. Эътиборлиси, ўша қўшиқ «бирон соат»дан кейин эмас, аксинча дақиқа ўтмай эфирга узатилади. Иккинчи бир томони, бизнинг назаримизда қўшиқ ҳеч қачон жаранг сочмаса керак, одатда бу ибора «қўшиқ таралади» тарзида гапирилиши зарур. Жаранг сочишнинг оний эканлиги, қўшиқ эса маълум вақт давом этиши оддий ҳақиқат. Бу гап эстрада хонандаларига ҳам тегишли. Дейлик, хонандалардан бирининг «Мухлисларимиз бизга фанатит этсин» (?), деган гапини тушунмадик. Ҳатто «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»нинг II томини ҳам кўриб чиқишга тўғри келди. Аммо «фанатит» сўзининг маъноси ноаниқлигича қолаверди.

Бир сўз билан айтганда, тилни бекадр қилмайлик. Халқимиз мақолида айтилганидек, ниманики хор қилсак, шунга зор бўлишимиз табиий.

Неъматилла ҲАМИДОВ, ўқитувчи.

ГУЛЛАРНИ УЗМАНГ, ҚИЗЛАРЖОН

Табиат ўзининг ажойиб жилоси билан ҳамма вақт бизни ўзига асир-у шайдо этиб келади. Узоқ йиллар узумчилик ва боғдорчилик соҳасида ишлаганим, бу борадаги камтарингина тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, гуллар инсоннинг ҳордиғини чиқаради, ҳаётга рағбатлантиради, гўзалликка ундайди.

Шаҳримиз марказий кўчаларидан бирининг шундоққина ёнбошида экилган гулларни кўрганимда хурсанд бўлдим. Халқимизнинг азалий қадриятларига содиқ қолиб, амалга оширилган бу эзгу ишдан кўнглим тоғдай кўтарилди.

Ўша куни неварам Наргиза билан шу кўчадан кетиб борардим. Шу пайтда кўчадан рўбару келаётган ёш-яланг қизлар гулларни кўрди-ю, шодон кайфиятда, қийқиришганича уларни узиб олмоққа талпинишди, уч-тўрт донасини узиб олишди ҳам. Менинг ўзим ҳам шу ёшда ҳаётдаги ҳар бир ҳодисага чанқоқ эдим. Шу жумладан гулларни кўрганимда яйраб кетардим. Энди 76 ёшни қоралаб, ҳаётдаги ҳар бир неъматнинг қадрини билиб борганим учунми, қизларжоннинг бу хатти-ҳаракати менга оғир ботди. Мутахассис сифатида битта гул навини яратиш, уни юзага келтириш билан боғлиқ барча заҳматларни кўз олдимга келтирдим. Албатта оғир бўларкан... Бу гапларим билан мен ёшликнинг шодликларга тўла дамларини бошидан кечираётган қизларимга ҳеч қандай ғайирлик қилмаётганимни айтмоқчиман: аксинча уларни бу гўзал айём билан қутлагим келди. Негаки ёшлик — умр баҳори, у қайтиб келмайди.

Мухтасар хулосам шуки, ҳаётни севинг, унинг гўзал меваси — гулларни, наботот оламини кўз қорачиғимиздек асранг. Илло, донолардан бири айтгандек: «Агар табиатга тўппонча билан ўқ узсанг, унинг жавоби замбарак орқали бўлади», — деган ҳикматли нақл зинҳор-базинҳор ёдингиздан чиқмаса бўлгани.

Муқаддас САЙДАЛИЕВА, меҳнат фахрияси

Санъат

ТОМОШАБИНЛАРНИ КУЛДИРИБ...

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ КОМЕДИЯ ТЕАТРИ ЎЗИНИНГ ЎТТИЗ ЙИЛЛИК ФАОЛИЯТИНИ НИШОНЛАМОҚДА. ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ОПЕРЕТТА ТЕАТРИ СИФАТИДА ТАШКИЛ ТОПГАН МАЗКУР ИЖОД ВА МАҲОРАТ ДАРГОҲИ РЕПЕРТУАРИДА ҲОЗИР КЎПГИНА ҚУВНОҚ АСАРЛАР БОР.

Таниқли бастакор Энмарк Солиҳовнинг «Пари» деган постановкаси биринчи ўзбек операттa спектакли янглиғ томошабинларга кўрсатиб келинмоқда. Ижодий жамоа шу сана олдидан қатор янги асарларни саҳналаштиришга киришди. «Хола, мен уйланаяпман» номли постановка ҳам шу санага бағишланди.

ЯНГИЧА ТАЛҚИНДА

ТОШКЕНТДАГИ АВИАСОЗЛАР МАДАНИЯТ ВА ТЕХНИКА САРОЙИДА БИР НЕЧТА ИЖОДИЙ ГУРУҲЛАР ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА. «ТУҒИЛИШ» ДЕБ НОМЛАНГАН САНЪАТ СТУДИЯСИ ҲАМ МУХЛИСЛАРГА ЯХШИ ТАНИЛИБ ҚОЛДИ.

Студия томонидан саҳналаштирилган навбатдаги постановка ҳам томошабинларда қизиқиш уйғотди. «Ойхон» деган номда постановка қилинган мазкур спектаклга машҳур «Майсаранинг иши» асари асос қилиб олинди.

Ушбу комедия «Театр баҳори — 2006» республика фестивали доирасида томошабинларга тақдим этилди. Ҳаваскор драматик ва қўғирчоқ театрларининг бу фестивалида яна қатор спектакллар ғолиб деб топилди.

ТРАНСПОРТЧИЛАРГА ҲАМ МАНЗУР

«БАХТЛИ БЎЛ, ДУГОНАЖОН!» ДЕБ НОМЛАНГАН СПЕКТАКЛЬ МУҚИМИЙ НОМИДАГИ МУСИҚАЛИ ДРАМА ТЕАТРИ ТОМОНИДАН МУВАФФАҚИЯТЛИ САҲНАЛАШТИРИЛГАН ЭНГ ЯХШИ ПОСТАНОВКАЛАРДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ. МУҲИМ ҲАЁТИЙ МУАММОЛАР КЎТАРИЛГАН УШБУ ЯНГИ САҲНА АСАРИ ТАЛАБА-ЁШЛАРДА ҲАМ ҚИЗИҚИШ УЙҒОТДИ.

Тошкент Автомобил йўллари институти профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари ҳам мазкур постановкани келиб кўрдилар. Олий ўқув юртининг «АТТЗ» кафедрасида ўтказилган баҳс-мунозара ҳам спектаклга бағишланди. Унда қатнашганлар бу асар бугунги ёшлар ҳаёти учун долзарб эканлигини кўрсатиб ўтдилар.

Ёшлар ўртасида катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ушбу постановкани «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси ёш транспортчилари ҳам уюшган ҳолда томоша қилдилар.

Таълим

«КАМОЛОТ» СТИПЕНДИАТЛАРИ

ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБА-ЁШЛАР УЧУН ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИЛДИ. ПУХТА БИЛИМИ ВА ЖАМОАТ ИШИДАГИ ФАОЛЛИГИ УЧУН «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ТОМОНИДАН МАХСУС СТИПЕНДИЯ ТАЪСИС ЭТИЛДИ.

Эндиликда республикамиз олий ўқув юртларида ўзини намоён этаётган 20 нафар талаба ушбу нуфузли стипендияни олиб ўқийди.

Бундай бахтга сазовор бўлганлар орасида Тошкент Давлат шарқшунослик институтидан Сардор Маҳкамов ҳам бор. Тошкент Ахборот технологиялари университети талабаси Маҳфуза Йўлдошева ҳам ўз билим ва иқтидори билан тенгдошлари ҳурматини қозониб келмоқда.

«Камолот» стипендиясига ҳарбий ўқув юртлари вакиллари ҳам лойиқ деб топилди.

ТОЛИБИ ИЛМЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРДАН БИР НЕЧА НАФАРИ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ТАҲСИЛ ОЛИШ ИСТАГИНИ БИЛДИРДИ. БУ МАМЛАКАТДАГИ УНИВЕРСИТЕТЛАРДА РЕСПУБЛИКАМИЗДАН ЎҚИШГА БОРАДИГАН ТОЛИБИ ИЛМЛАР УЧУН ҲАМ ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР МУҲАЙЁ ҚИЛИНАДИ.

Пойтахтимиздаги «Хамар» марказий кўргазмалар залида уюштирилган давра суҳбатида ана шу ҳақда гап борди.

Корея Республикаси Таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси халқаро таълим тараққиёти Миллий институти билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур тадбирда янги билимлар синовини ташкил этишнинг ўзига хос томонлари хусусида сўз юритилди.

ЮҚОРИ БАҲОЛАНГАН МАГИСТРЛИК ИШИ

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ КАФЕДРАЛАРИДА ЕР ТУЗИШ ВА ЕР КАДАСТРИ МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА МАГИСТРЛАР ТАЙЁРЛАШГА КИРИШИЛДИ. ҚАТОР ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР ЭСА ЎЗЛАРИНИНГ МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯЛАРИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЁҚЛАДИЛАР.

Изланувчан толиби илм Озод Акбаров эса магистрлик ишини ер хариталарини тузишда ер кадастридан фойдаланиш мавзусига бағишлади. Бу самарали тадқиқот Швеция қироллик университети олимлари эътиборини ҳам ўзига тортди. Бу олий ўқув юртида ҳимоя қилинган диссертация ҳар икки олий ўқув юртлари ўзаро илмий ҳамкорлик натижаси ўлароқ юзага келди.

Ёш тадқиқотчи бу ишини геодезия ва ер кадастри кафедрасида давом эттириб, мавзуни назарий жиҳатдан янада бойитишга киришди.

Анвар ВАЛИЕВ

БУГУНГИ КУНДА АЗИМ ШАҲРИМИЗДА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ КЕНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН. МАЪЛУМОТЛАРГА ҚАРАГАНДА ҲАР КУНИ ЭРТА ТОНГДАН 1187 ТА АВТОБУС, МИКРОАВТОБУС ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙЛАБ ҲАРАКАТЛАНИБ, ЙЎЛОВЧИЛАР УЗОҒИНИ ЯҚИН ҚИЛМОҚДА. АҲОЛИ 100ГА ЯҚИН ТРАМВАЙ ҲАМДА ТРОЛЛЕЙБУС ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНМОҚДА. БУ КЎРСАТКИЧЛАР ПОЙТАХТДА ЙЎЛОВЧИЛАРГА КАТТА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИБ БЕРИЛГАНЛИГИДАН ДАЛОЛАТ БЕРИБ ТУРИБДИ.

Газетхон мулоҳаза юритади

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАДАНИЯТИ ҚАНДАЙ?

Жамоат транспортининг яна муҳим жиҳати борки, бу аҳолига хизмат кўрсатиш маданияти масаласидир. Хўш, бу борада аҳвол қандай? Деган ўринли саволнинг туғилиши табиий. Бу савол кўпчиликни қизиқтиради, албатта. Буни тасаввур этиш учун транспорт қатновининг эрталабки манзарасини кузатишнинг ўзи кифоя қилади.

Бекатлардан бирида одамлар гавжум. Уларнинг аксарияти ишга, ўқишга шошиляпти. Навбатдаги автобус келиб тўхтади. Йўловчилар ёпирилиб автобусга чиқа бошлашди. Яна тирбанд ҳолат юз берди. Оёқ қўйишга жой топиш имкони бўлмаган бир вақтда чиптачининг сабри чидамай одамлар орасидан урилиб-сурилиб йўл ҳақини тўплашга киришди. Бундай ҳолат чиптачига ҳам, йўловчига ҳам ноқулайлик туғдиради. Пасти-баланд гаплардан кўпчиликнинг кайфияти бузилади.

Бу биринчидан. Иккинчидан, аввалари транспортда юришда яхши тартиб бўларди. Орқа эшикдан кириб, олдингисидан тушиларди. Эндиликда бунинг фарқи йўқдек бўлиб қолди. Каттаю-кичик хоҳлаган эшикдан кириб келаверади.

Яна бир гап. Жамоат транспортларида «чекиш ман этилади» деган ёзувлар бўларди. Ваҳоланки, бундай талабга айрим ҳайдовчиларнинг ўзлари риоя қилмай қўйишди. Рулни бошқариб бораётган баъзи ҳайдовчилар ўз кабинасида сигаретни бемалол чекиб, бамайлихотир бораверадилар. Ёхуд чўнтакларига тўлдирилган пистани чақиб, пўчоғини ташқарига ташлайдилар.

Ўйлаймизки, бу муҳим масалани «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасининг мутасадди ходимлари жамоатчилик таклиф-мулоҳазаларини ўрганиб, ножўя хатти-ҳаракатнинг олдини оладилар.

Ҳайдовчилар микрофон орқали бекатларни маълум қилиб бориш вазифасини унутиб юборишган кўринади. Аксинча, радиоприёмник ёки ёзувли кассеталарни баландлатиб қўйиб, йўловчиларнинг норозилигига сабаб бўлаётган ҳайдовчилар оз бўлса-да топилади.

Бу ҳам майлия, ким ўзарлик қилиб баъзи бекатларда тўхтамай ўтиб кетаверадиган учарлар ҳам йўқ эмас. Айрим ҳайдовчилар жазавага тушиб, йўналишдаги ҳамкасблари билан сўкиниб муомала қилишади. Ҳатто бир-бирлари билан ёқалашишгача боришади. Ахир, бу жамоат транспорти учун шармандали ҳолат эмасми?!

Ушбу мақолада аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш маданияти ҳақида қисқача тўхталдик. Хизмат кўрсатиш маданияти давр талабида бўлиши даркордир.

Акбар АЛИЕВ

Муносабат

СУВНИ ИСРОФ ҚИЛМАНГ, АЗИЗЛАР

САЙЁРАМИЗДАГИ МАВЖУД СУВ ЗАҲИРАЛАРИНИНГ АТИГИ ИККИ ФОИЗИГИНА ЧУЧУК СУВДАН ИБОРАТ ЭКАНЛИГИ, ДЕМАК ИЧИШГА ЯРОҚЛИ СУВ НИҲОЯТДА КАМЛИГИ БОИС УНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ ЗАРУРЛИГИ ҲАҚИДА ТЕЛЕВИДЕНИЕ, РАДИО ЁКИ МАТБУОТДА ТЕЗ-ТЕЗ МАҚОЛАЛАР, ЭШИТТИРИШЛАР, КЎРСАТУВЛАР ТАЙЁРЛАНИШИ БЕЖИЗ ЭМАС.

Лекин биз сувни тежаш ҳақидаги бу огоҳлантиришларни жиддий қабул қилаяпмизми, сувни тежаяпмизми, деган фикр ҳамон очиқлигича қолаётгани кишини таажжубга солади. Тунов куни телевизорда шаҳримиздаги «Ракат» маҳалласида яшовчилар сув танқислиғидан азият чекишаётганлиги ҳақидаги кўрсатувни кўриб қолдиму, камина яшаётган маҳаллада сув сероблиги боис юз бераётган исрофгарчиликка барҳам беришнинг вақти етиб келганлигини англаб етдим. Дарҳақиқат, Юнусобод туманидаги маҳаллаларда сув таъминоти анча яхши йўлга қўйилган. Хусусан, «Кулолқўрғон» маҳалласида водопроводдан оқаётган сув босими юқорилиги жиҳатидан мақтовга лойиқ. Ана шу қулайлик туфайли ҳам айрим маҳалладошлар сувни тежаш масаласига лоқайд муносабатда бўлаётганликлари ачинарли ҳол. Ҳозирда сув сероблиги боис, маҳаллаларда иссиқхоналар кўпайиб боряпти. Албатта хонадонлар аъзолари яхши яшаш мақсадида қураётган бу иссиқхоналарда помидор, бодринг сингари экинлар етиштирилаётгани ҳар бир маҳалладошга ҳам фойдали. Чунки қишин-ёзин дастурхонимиз тўкин бўлади.



Фақат, хонадонлардаги иссиқхоналарда етиштирилаётган маҳсулотлар очиғини айтганда, ариқ сувидан эмас, водопровод сувидан суғорилаётгани ҳам бор гап. Шу ўринда камина маҳалладошларимни танқид қилиш фикридан йироқман. Чунки экин парвариши учун энг аввало сув зарур. Маҳалла ариқларидан сув келмагач, мавжуд ариқлар ҳам кўмилиб кетаётган бўлгач, нима қилиш керак? Албатта ноилож ичимлик сувидан фойдаланилади-да. Буниси ҳам майлику, ёз ойларида ҳовлиларга экилган экинларни суғориш учун ҳам водопровод суви маҳалладошларим жонига оро киради. Таклифим шуки, ўтган асрнинг 70-йилларида мавжуд бўлган ариқлар яна тикланса, ҳар бир кўча, ҳар бир уйда ариқ сувидан фойдаланиш имкони туғилса нур устига аъло нур бўлармиди? Шунда ичимлик суви анчагина тежалиб «Ракат»га ўхшаган сувга муҳтож маҳаллалар аҳолиси ҳам сув танқислигидан азият чекмасмиди? Бу ҳақда гуккурроқ ўйлаб кўрилса чакки бўлмасди.

Эркин АҲМЕДОВ

Луқма

ЎРИНДИҚЛАР ҚАЙГА КЕТГАН?

ШАҲРИМИЗДА НИМА КЎП, ОРОМГОҲ КЎП. УЛАР ҲУСНИ ТАРОВАТИ БИЛАН БИР-БИРИДАН ҚОЛИШМАЙДИ. МАСАЛАН, БИРГИНА ХАЛҚ ТИЛИДА САЙИЛГОҲ ДЕБ ЮРИТИЛАДИГАН МАЙДОННИ ОЛАЙЛИК. МИРИҚИБ ДАМ ОЛАДИГАН ФАЙЗЛИ ШИЙПОНЛАР, РАНГ-БАРАНГ ЎРИНДИҚЛАРНИ КЎРИБ КЎЗИНГИЗ ҚУВНАЙДИ. ЧОЙХОНА-ОШХОНАЛАРНИ АЙТМАЙСИЗМИ? ФАМИЛ ЧОЮ КЎК ЧОЙ, ПАЛОВУ ТАЛАБАЛАР ХУШ КЎРАДИГАН ЧУЧВАРА ЁКИ ШЎРВА. МУСИҚА САДОЛАРИ КИШИ РУҲИНИ КЎТАРАДИ.

Амир Темур хиёбони. Соҳибқирон ҳайкали салобат тўкиб турибди. Рўпарада ҳашаматли Темурийлар тарихи музейи. Майдонни айланар экансиз, зилол сув оқилик турган фавораларга кўзингиз тушади. Ҳар ер, ҳар ерда мармар ёки темир оёқли ўтиргичлар расамади билан қўйилган. У ерларда ёшу кекса ширин суҳбатда. Шахмат ёки шашка ўйнаётганлар ҳам бор.

Аммо гуруч курмаксиз бўлмайди, дегандек ҳувиллаб ётган хиёбонлар ҳам бор. Узоққа бормайлик. Марказий банк билан Алишер Навоий номидаги академик театр ўртасидаги хиёбонни олайлик. Дарахтлар сояси — умр фойдаси, деган нақл бор. Лекин шундай жойда мириқиб дам олишга ёки суҳбатлашишга имкон йўқ. Скамейкалар ёки ўриндиқлар қўйилмаган. Жилла қурса у ер, бу ерда битта-яримта бўлса ҳам майли эди.

Бир пайтлар бу хиёбон жиҳозланиб яхши ният билан сополдан ишланган ҳайкалчалар қўйилганди. Яшил майдонлар узра ётқизилган темир қувурлардан сув отилиб турарди. Ҳозир бу қувурлар эскирган. Улардан отилаётган сув дилни хира қилади. Унда, бунда сопол ҳайкаллар синиғи.

Шунда ўйлаб қоласан киши, наҳотки шаҳарнинг қоқ марказида бўлган беназир оромгоҳга ўриндиқлар ўрнатиб, тартибга келтириш қийин бўлса?

Юнус ЗИЁДОВ

Ўз=ўз ўрганиш доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Азизим, мушкул воқеаларда ва оғир ҳодисаларда маслаҳатлашишдан кўз юмиб бўлмайди. Маслаҳат қилмоқчи бўлсанг, маслаҳатни ҳикмат аҳли ва тажриба билан қилки, уларнинг ақллари ўткир ва фикрлари теран бўлади.Чунончи айтадиларки:

Теран фикрни доим кексалардан қидиргин,
Баҳор сувлари кузда мусаффолик топади.

Тажрибали кексалар шижоатли ёшлардан кўра чора ва тадбирга устароқдирлар. Байт:

Ёшлар билан жангу жадал ичра кир,
Енгиш тадбирин кексадан қидир.
Гарчи ёшлар бўлса ботиру чаққон.
Аммо кекса дили чорагардир кон!

Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ

Ҳакимлар айтадилар:

— Ақлли киши билан маслаҳатлашсанг, унинг ақли сенга ҳам юқади, ундан кўп нарсани ўрганасан. Киши ўз ақлига суяниб иш қилганда кўп хатоларга йўл қўйиши мумкин.

«ФАВОКИҲ ал-жуласо»

Азизим, машварат, яъни маслаҳат бу—ақлли кишиларнинг кенгаши. Оқил кишилар қаерда бўлишмасин, бир муҳим масалани ҳал қилишга киришсалар, мушкул нарсалар ҳам оқибатда яхши натижа билан тугайди. Бу сўзга маънолар гавҳарининг хазинаси бўлмиш мавлоно Жалолиддин Румийнинг сўзлари гувоҳдир:

Мушкул ҳодисани кўрса хирадманд,
Бу мушкулдан қўли бўлиб қолса банд.
Ўз ақлига ўзга ақлин қилар ёр!
Ақл ҳал қилмоққа бўлар мададкор!
Ёлғиз шамдан хона бўлмаса равшан,
Бошқа шамлар ёнар бу шамдан!

Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ

Ҳакимлар айтадилар: «бирор иш ҳақида маслаҳатлашмоқчи бўлсанг, битта оқил киши билан маслаҳатлаш, кўпчиликка айтилган маслаҳатли иш нуқсондан ҳоли бўлмайди. Бир араб олим: «Ақлдан улкан бойлик, нодонликдан катта бахтсизлик ва маслаҳатдан кучли суянчиқ йўқ!» деган эди.

«ФАВОКИҲ ал-жуласо»

Кимки ўз фикрига мағрурланиб иш тутса, йўлдан адашмайди, кимки ўз ақлига суяниб, ўзгалар билан ҳисоблашмаса, хорлик тортади.

Муҳаммад ЗЕҲНИЙ

Доимо пархезгар бўлмоқ ва доимо кишилар билан маслаҳатлашмоқ керак.

Муиниддин ЖУВАЙНИЙ

Ҳар бир ишда лозим маслаҳат қилиш,
Маслаҳатсиз асло ҳал бўлмайди иш!

Синалмаган кишидан маслаҳат сўрама!

«ОТАЛАР сўзи»

Ҳакимларнинг айтишича, одам ўлдирган, хотинлар атрофида кўп айланадиган, қўрқоқ ва юраксиз кишилар билан маслаҳатлашиш нораводир.

«ФАВОКИҲ ал-жуласо»

Ҳакимлар айтадиларки, ақл соҳиби бўлган киши етти хил киши билан кенгашмайди: улар нодон, ҳасадчи, риёкор, қўрқоқ, молпараст ва ҳою-ҳавасга берилган кишилардир. Чунки нодон киши бефаҳмлиги туфайли хато ва ярамас маслаҳат беради. Душман эса сени ҳалок бўлишингни ўйлаб, маслаҳат беради. Ҳасадчи эса қўлингдаги молу мулкингни совурилишини истайди. Риёли киши эса сени қандай қилиб бўлса-да, сен нимани хоҳлаётган бўлсанг, ўшани қилаверишга ундайди. Молпарастнинг фикри-зикри мол йиғиш бўлгани учун берган маслаҳати орқали бирор нарса ундириб олишга уринади. Ҳою-ҳавасга интилган нафс бандаси эса ўзининг нуқсонли ақли билан кишини тўғри фикрдан четлатади.

Олимлардан Аҳнаф айтади: «Очнинг қорнини тўйдирмай туриб, ташнанинг чанқоғини бостирмай туриб, асир кишини озод қилмай туриб, камбағалнинг ҳожатини чиқармай туриб, бирор иш юзасидан маслаҳату машварат қилма!»

«ФАВОКИҲ ал-жуласо»

БАХИЛЛИК, БАДНАФСЛИК, ОЧКЎЗЛИК, ҲАСАД, ХАСИСЛИК ҲАҚИДА

Одамларнинг энг ёмони ўз аҳли аёлига бахиллик ва қизғанчиқлик қиладиганидир.

ҲАДИС

Бахил азиз одамини хор этар,
Эл кўзида ит каби мурдор этар.

Ҳайдар ХОРАЗМИЙ

Бахиллик одамнинг ўз молига жону дилидан ёпишиб олишидир. Бахил одам ўзининг ейиши ва кийиниши учун ҳам пул сарф этишни истамайди. Масалан, нон, мева ва шунга ўхшаш нарсаларнинг янгисини олишга қудрати етса ҳам эскисини олади, либосларнинг янгисини сотиб олмай, эски ва йиртиқларини харид қилади, тоза, мусаффо ерда яшаш ўрнига қоронғи, зах ва саломатликка зарар етказувчи жойларда яшайди.

Хаёлиддин ал-ҲАСАНИЙ

Бахилнинг юзига кўп қарасанг бағритош бўласан.

Муҳаммад Сиддиқ РУШДИЙ

Ҳар киши нокас билан ҳамкосадур,
Минг шарофатни касофат босадур.

МАШРАБ

ҲИКМАТ. Ҳинд ҳакимларининг киноя қилиб ёзишларича, ўз мол-мулкларини яхшилик йўлида сарфламайдиган бахил кишилар «сахий» кишилардир. Чунки ўзлари емай, ҳаммасини ўзгалар учун қолдирадилар.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган

Кўргазмалар

ЭНГ САРА ИШЛАНМАЛАР ЎРИН ОЛДИ

БУГУНГИ КУНДА ШАҲРИМИЗДАГИ КОРХОНА, ТАШКИЛОТ ВА МУАССАСАЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 15 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ ЮЗАСИДАН ҚИЗҒИН ТАЙЁРГАРЛИК КЕТМОҚДА. ЖУМЛАДАН, ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИДА МАЗКУР АКАДЕМИЯ ОЛИМЛАРИ ТОМОНИДАН ТАЙЁРЛАНГАН ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ КЎРГАЗМАСИ ҲАМ ЮҚОРИДАГИ ҚУТЛУҒ САНАГА БАҒИШЛАНДИ.



Айтиш керакки, ёшларни илмий-тадқиқот ишларига янада кўпроқ жалб этиш, уларда янгиликка қизиқиш уйғотиш, илм-фан равнақи учун жонкуяр бўлган олимларнинг етишиб чиқишига имкон яратиш мақсадида ташкил этилган кўргазмадан Тошкент Тиббиёт академияси томонидан Мустақиллик йилларида қўлга киритилган энг салмоқли илмий ишлар ўрин олди. Унда академиянинг барча кафедралари ва илмий бўлинмалари фаол қатнашиб, юздан ортиқ профессор-ўқитувчилар ўзларининг илмий-тадқиқот ишлари натижаларини кўргазмага қўйишди. Яъни академия кафедралари ходимлари томонидан Мустақиллик йилларида тайёрланган ва муваффақиятли ҳимоя қилинган диссертация ишлари, хорижий ва давлат грантларини олган илмий-тадқиқот ишлари, экологиянинг инсон саломатлигига таъсирига оид бир қанча йирик илмий ишланмалар ўз аксини топди.

Кўргазмадан ўрин олган ишланмалардан «Энг яхши инновацион ишланма», «Энг яхши амалий лойиҳа», «Энг яхши фундаментал лойиҳа», «Саноат корхоналари буюртмаси бўйича бажарилган энг яхши лойиҳа», «Энг яхши ёш олим ишланмаси» номинациялари бўйича танлов ҳам эълон қилинди.

Кўргазмани уюштиришдан яна бир эзгу мақсад кўзда тутилган бўлиб, у ҳам бўлса — илмий ишларни тиббий амалиётга кенг татбиқ этиш, тиббиёт фанининг инсон саломатлигини сақлашга қаратилган моҳиятини кенг жамоатчиликка билдиришдир. Ўйлаймизки, кўргазма давомида ташкилотчилар ушбу мақсадларга эришишди.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган илмий ишлар кўргазмаси эртага ўз ишини якунлайди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТДА: кўргазмадан лавҳа. Ҳакимжон Солиҳов олган сурат

ЎҚУВЧИЛАР БИЛАН ТЕЗ-ТЕЗ МАЪРИФИЙ СУҲБАТЛАР, ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВЛАР ЎТКАЗИБ ТУРИШ АНЪАНАГА АЙЛАНИБ ҚОЛГАН. «ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ»ДА ҲАМ БУНДАЙ УЧРАШУВЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ИШЛАРИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР БЕРИЛМОҚДА.

Тадбирлар

САХОВАТЛИ ИНСОНЛАР КЎП

Яқинда Юнусобод туманидаги 274-мактабда «Оқтепа» маҳалласи фаоллари ва ўқувчилар иштирокида ҳомийлар ҳамда шифокорлар билан «Эзгулик ҳеч эскирмайдиган либосдир» мавзусида учрашув ўтказилди. Ўқувчилар Тошкент Давлат педиатрия-тиббиёт институти профессори Эркин Турсунов, шу институт магистранти Отабек Умаровдан ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишди. Шифокорлар жисмоний меҳнатнинг афзалликлари, унинг инсон саломатлигидаги муҳим роли, кун тартибига риоя қилишнинг фойдали томонлари, овқатланиш тартиби ва меъёрлари ҳақида тўхталиб ўтишди. Ўқувчилар эса ўз бадиий чиқишларида шифокорлар ҳаётидан лавҳалар, саҳна кўринишлари ижро этишди, саховат, эзгулик ҳақидаги донолар ҳикмати ва фикрларини, Ҳадисдан намуналарни айтиб, дўстларини яхши фазилатлар эгаси бўлишга даъват этишди.

— Биз Холида Рихсиева ташрифидан қувондик, — дейди она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Муҳтасар Умарова. — Мактабимиз кутубхонаси учун янги алифбодаги китоблар ва ёзувчилар портретини совға қилган Холида опа ҳиммати болаларни руҳлантириб юборди. Опа бизга холис хизмат қилиб, тадбирни ўтказишга ҳам бошчилик қилди. Бунда ҳеч бир тама йўқ, Холида опанинг фарзандлари мактабни битириб кетишган.

Ҳа, шаҳримизда саховатли инсонлар кўп. Уларнинг сафи кенгаяверсин.

Маҳмуда ВАЛИЕВА

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни олдидан

ЖАЖЖИЛАРГА БЕРИНГ ДУНЁНИ

БОЛА КУЛСА — ОЛАМ КУЛАДИ. ТИНЧЛИК, ФАРОВОНЛИК ҲУКМ СУРГАН ЭЛДА БАХТИЁР БОЛАЛАРНИНГ ШОДОН КУЛГУЛАРИЮ, ҚУВНОҚ ҚЎШИҚЛАРИ ЯНГРАЙДИ АЛБАТТА. ЖАЖЖИ БОЛАЖОНЛАРНИНГ ОНА ВАТАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНИМИЗ ҲАҚИДА ЮРАКДАН КУЙЛАГАН ҚЎШИҚЛАРИНИ ТИНГЛАГАНДА УЛАРНИНГ МУРҒАК ҚАЛБИДА ВАТАНГА МУҲАББАТ ТУЙҒУСИНИ ЯҚҚОЛ ҲИС ЭТИШ МУМКИН.

Яқинда пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси томонидан 1 июнь-Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб «Болаларга беринг дунёни» деб номланган концерт дастури намойиш этилди. Унда шаҳримиздаги барча маданият уйлари, мусиқа ва санъат мактаблари бадиий жамоаларининг Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳамда кам таъминланган оила фарзандлари учун хайрия концерти намойиш этилди. Саройнинг кириш қисмида карнай-сурнай садолари янграб, болажонларни ушбу концертга чорлади. Шунингдек, сарой фойесида миллий анъанавий чолғулар дастаси ижросидаги дилбар наволар меҳмонларга хуш кайфият улашди. «Билим» шаҳар марказий кутубхонаси томонидан ташкил этилган китоблар кўргазмаси ҳам болаларнинг эътиборини ўзига жалб этди. Концерт дастурини Ҳамза туманидаги Т.Содиқов номидаги шаҳар маданият уйининг бадиий жамоаси «Полонез» мусиқаси, «Арази» номли хоразмча рақси, Ҳамза туманидаги 7-болалар мусиқа мактаби ашула ва рақс гуруҳи «Дўппи тикдим» номли қўшиғи билан бошлаб беришди. Тадбирда шунингдек, «Ражабий ниҳоллари» ашула ва рақс дастаси ижросидаги «Жаннат элим», «Гулшан» болалар дастаси ижросидаги «Ватан», «Ниҳол» вокал-чолғу дастаси хонандаси Х.Имомназаровнинг «Янги аср авлоди» сингари қўшиқлари тадбирга йиғилган жажжи болажонлар қалбига бир олам шодлик ва қувонч бағишлади.

— Болаларнинг санъатга бўлган меҳр-муҳаббатларининг чексиз эканлигини мана шундай тадбирларда гувоҳи бўламиз албатта,—дейди Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Баҳодир Мажидов.- Бугунги тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад ҳам шаҳримиздаги маданият уйлари ва мусиқа мактабларида таҳсил олаётган иқтидорли болаларнинг санъатини намойиш этиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва санъат оламига кириб боришларида кўмак беришдан иборат.

Шу куни иқтидорли болалар ижросидаги ранг-баранг қувноқ ва жозибали куй-қўшиқлар, мафтункор рақслар йиғилганлар қалбида ўчмас таассурот қолдирди.

Дилором ИКРОМОВА

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«TOSHKENT SHAHAR DORI-DARMON» ДАВЛАТ ОЧИҚ АКЦИОНЕРЛИК БИРЛАШМАСИ АКЦИОНЕРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ҳурматли акционерлар! 2006 йил 29 июнда бирлашма биносида: Собир Раҳимов тумани, Уста Ширин 1-берк кўчаси, 84-уйда соат 15^{00}да бирлашма акционерларининг умумий мажлиси бўлиб ўтади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Бирлашма бошқарувининг 2005 молия-хўжалик йили якунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида;
2. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва хулосасини тасдиқлаш тўғрисида;
3. 2005 йил якуни бўйича жамият аудитори хулосасини тасдиқлаш тўғрисида;
4. 2005 йил якуни бўйича жамиятнинг бухгалтерия баланси ҳамда фойда ва зарарлар ҳисоб варағини тасдиқлаш тўғрисида;
5. Бошқарув раиси билан тузилган меҳнат шартномасини бир йилга узайтириш тўғрисида;
6. Жамиятнинг 2005 йил якунлари бўйича соф фойдасини тақсимлаш тартибини ва дивидендлар миқдорини тасдиқлаш тўғрисида;
7. Жамиятнинг 2006 йил учун бизнес-режасини ҳамда даромад ва харажатлар сметасини тасдиқлаш тўғрисида;
8. Жамият Кузатув кенгашининг таркибини қайта сайлаш тўғрисида;
9. Жамият бошқарувининг аъзоларини сайлаш тўғрисида;
10. 2006 йил учун жамият аудиторини тасдиқлаш тўғрисида.

Кузатув кенгаши

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар !

«ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ» СИЗЛАРНИ «ESKI JO`VA DEHQON BOZORI» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН ТАҚДИМ ЭТИЛГАН ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Биржа савдоларига «ESKI JO`VA DEHQON BOZORI» очиқ акциядорлик жамияти ҳудудидаги «ТИМ – 2» савдо мажмуасида жойлашган қуйидаги савдо дўконлари қўйилди:

- умумий (савдо) майдонлари 31,36 кв.метрдан бўлган 11 (ўн битта) савдо дўкони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 24 828 423,62 сўмдан;

- умумий (савдо) майдонлари 64,24 кв.метрдан бўлган 2 (иккита) савдо дўкони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 56 252 703,25 сўмдан;

- умумий (савдо) майдонлари 65,88 кв.метрдан бўлган 1 (битта) савдо дўкони, бошланғич баҳоси – 57 820 284,22 сўм;

- умумий (савдо) майдонлари 40,60 кв.метрдан бўлган 2 (иккита) савдо дўкони шийпони билан, ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 36 971 425,82 сўмдан;

- умумий (савдо) майдонлари 40,60 кв.метрдан бўлган 2 (иккита) савдо дўкони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 33 659 497,58 сўмдан.



Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунида соат 11-00 дан 12-00 гача ҳамда 16-00 дан 17-00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.

Биржа савдоларида қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:
Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй, 402-хона.
Телефон: 132-25-51, факс: 133-20-74.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 706

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
3162 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6